



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Убайдулло Гафуров**

*И.ф.д., профессор,*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

**Аннотация.** Оилавий тадбиркорликнинг ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, ўрта мулкдорлар қатламини ўстириш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш иқтисодий тараққиётнинг долзарб йўналишларидан ҳисобланиши аниқланди.

Оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури кабилар шулар жумласидандир.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига йўналтириладиган молиявий ресурслар имтиёзли кредитлар кўринишида йиллик 14 фоиз ставкада берилиши қўзда тутилганлиги қўриб чиқилган.

Ҳозирги шароитда маҳаллалар ҳудудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, аҳолини ушбу йўналишдаги тадбиркорликка бўлган қизиқишини уйғотиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширишда ҳоким ёрдамчилари билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва мутахассислари томонидан жиiddий ҳаракат талаб этилади.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, кредит, бозор, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиши, бандлик.

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлида жадал ҳаракатланиб борар экан, мамлакатимиздаги мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш борасида юксак марралар белгилаб олмоқда.

Ҳудудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, уларнинг барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишига, миллий ҳунармандчиликнинг янада ривожланишига, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишига, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳалари рўёбга чиқишига ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

Республика ҳудудларида аҳолининг даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланишига, оилавий тадбиркорлик



ривожланишига ҳар томонлама қўмаклашиш ва мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари” ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартағи ПҚ-5041-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан алоҳида тартиб ўрнатилди. Мазкур тартибга мувофиқ Дастурлар доирасида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

– аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш учун аризалари Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси орқали қабул қилинади;

– кредит олишда талабгорларга “Агробанк” АТБ, АТ Халқ банки ва “Микрокредитбанк” АТБлар орасидан бирини ихтиёрий танлаб, барча дастурлар доирасида имтиёзли кредит олиш бўйича мурожаат этиш имконияти яратилди;

– кредит оловучи танлаган маҳсулот етказиб берувчи (иш бажарувчи) ташкилот (кейинги ўринларда – таъминотчи) томонидан маҳсулотлар етказиб берилгандан (иш бажарилганидан) сўнг кредит маблағлари таъминотчига ажратиб берилади;

– ўзини-ўзи банд қиласидаги фуқароларга айrim турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн. сўмгача миқдорида кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин;

– “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган фуқароларга ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиш масъулияти тижорат банклари билан бирга мос равища туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда сектор раҳбарлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раислари зиммасига юклатилди.

Шунингдек, мазкур қарорга З-иловада ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига қўйидаги вазифалар юклатилди:

– туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

– туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;



– туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида туман (шаҳар) Оиласий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг фаолиятини мунтазам равишида мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

– ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари хусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш;

– тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиқсан ҳолда “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари” мавзусида ўқув машғулотларини ўtkазиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

– ички ва ташқи бозорларни доимий равишида ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишида етказиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

– тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган оиласарга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тақдимотларини ўtkазиш ва сотиб олишга кўмаклашиш;

– қўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига касаначилик ва кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи микро фирмаларни ташкил этиш орқали қўшимча даромад топиш имконини яратиш;

– тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиши (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашиш.

Шунингдек, мамлакатимизда 2022 йилда ҳам оиласий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган. Дастурларни молиялаштиришда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ресурсларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Оиласий тадбиркорлик субъектларига йўналтириладиган ушбу ресурслар имтиёзли кредитлар кўринишида йиллик 14 фоиз ставкада берилиши кўзда тутилган. Ушбу кредитлар оиласий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш



ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган тадбиркорларга, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун, боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун, “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, “уста-шогирд” мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун, кредитлар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилаётган (жойлашган) қарз олувчига берадиган тавсияси асосида ажратилиши кўзда тутилган.

Оилавий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамиятини чуқур анлаган ҳамда жаҳон тажрибаси орқали унинг аҳоли фаровонлигини ошириш борасида катта салоҳиятга эгалигини эътироф этган ҳолда, 2022 йилда мамлакатимизда мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш манбаларига жиддий эътибор қаратилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш  
дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг  
манбалар кесимидағи мақсадли параметрлари, млрд. сўм**

Т/р	Кредит ажратиши манбалари	2022 йилда йўналтирилган маблағлар	Шундан	
			Аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши хисобидан	Қўшимча ажратилиши хисобидан
	<b>Жами</b>	<b>10 000</b>	<b>6 170</b>	<b>3 830</b>
1	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	<b>4 060</b>	410*	3 650
2	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	<b>145</b>	145	-
3	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	<b>191</b>	91	100



4	Бандликка кўмаклашиш жамғармаси	130	50	80
5	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари хузуридаги янги иш ўринлари ташкил этишини рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари	38	38	-
6	Ваколатли банклар (устав капиталига берилган ресурслар ҳисобидан)	5 435	5 435	-

\* 2018-2019 йилларда дастурлар доирасида лойиҳаларни молиялаштириша да иштирок этган (Халқ банки, Микрокредитбанк ва Агробанкдан ташқари) бошқа банклар томонидан ажратилган кредитларнинг сўндириладиган қисми.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2022 йилда оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг манбалари таркибида 54 фоизи ваколатли банклар, деярли 41 фоизи Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, 2 фоизи Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, 1,5 фоизи Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, 1,3 фоизи Бандликка кўмаклашиш жамғармасига тўғри келмоқда.

Мазкур маълумотларнинг ҳудудлар кесимидағи ҳолатини қўйидаги жадвал орқали қўриб чиқиш мумкин (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 2022 йилда оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг ҳудудлар кесимидағи мақсадли параметрлари, млрд. сўм

Т/р	Худуд номи	2022 йилда йўналтирилган маблағлар	Шундан	
			Аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан	Қўшимча маблағлар ажратилиши ҳисобидан
<b>Жами</b>		<b>10 000</b>	<b>6 170</b>	<b>3 830</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	650	386	264
2	Андижон вилояти	855	586	269



3	Бухоро вилояти	915	573	342
4	Жиззах вилояти	540	327	213
5	Қашқадарё вилояти	800	566	234
6	Навоий вилояти	540	346	194
7	Наманган вилояти	865	577	288
8	Самарқанд вилояти	900	503	397
9	Сурхондарё вилояти	850	586	264
10	Сирдарё вилояти	480	272	208
11	Тошкент вилояти	720	366	354
12	Фарғона вилояти	900	490	410
13	Хоразм вилояти	695	382	313
14	Тошкент шаҳри	290	210	80

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2022 йилда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича йўналтириладиган маблағларнинг нисбатан аҳамиятли қисми (7-9 фоизи) Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятларига тўғри келмоқда. Ўртacha (4-6 фоиз) қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятларига йўналтирилган. Тошкент шаҳрига эса йўналтириладиган маблағларнинг 2,9 фоизи тўғри келмоқда. Мазкур улушлар ҳам ҳудудлардаги оиласи тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги мавжуд салоҳият тўғрисида дарак беради.

Оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг қабул қилиниши уларга ҳукумат томонидан кўрсатилиаётган барча кўмаклар (хуқуқий, молиявий) ўзининг самарали натижасини кўрсатиб мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари таркибида оиласи корхоналар салмоғининг ошиши ҳамда иқтисодий фаоллигининг таъминланишига имкон яратади.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони қабул қилиниб, мазкур фармон орқали “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқлаб берилди.

Ушбу дастур таркибидан йил давомида мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётини жадаллаштиришга имкон яратувчи жуда кўплаб чора-тадбирлар ўрин олган. Шу жумладан, оиласи тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилувчи йўналишлар ҳам мавжуд.



Дастурнинг “Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш” деб номланган 34-мақсади 169-бандида шаҳар ва туманлар марказларида аҳолининг қундалик эҳтиёжи юқори бўлган майший ва коммунал хизматларни ривожлантириш бўйича пуллик сантехника, электрик, уй жиҳозларини таъмирлаш, кейтринг каби хизматларни кўрсатиш пунктларини ривожлантириш, шу жумладан, 2022 йилда ҳар бир шаҳар ва туманда камида биттадан замонавий хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган. Бу борада қуйидагиларни назарда тутувчи ҳудудий чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш кўзда тутилган:

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари орқали хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш лойиҳаларини қўллаб-куватлаш;
- шаҳар ва туманлардаги кўп қаватли уйларнинг биринчи қавати ҳамда ертўлаларида хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш учун имтиёзли ижара беришни рағбатлантириш;
- ўзини-ўзи банд қилиш тизимидан рўйхатдан ўтган фуқароларни хизмат кўрсатиш пунктларига жалб этиш орқали улар учун қўшимча даромад манбаларини яратиш;
- касб-ҳунар марказларида ушбу йўналишларни тамомлаб (электрик, сантехник, таъмирлаш) хизмат кўрсатиш пунктларида фаолият олиб бормоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна сотиб олиши учун субсидия ажратиш.

Дастурнинг 35-мақсади “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказишни кўзда тутиб, бу борада 176-бандда 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони 2 баробар ошириб, 520 минг нафарга етказиш вазифаси белгиланган. Ушбу йўналишда ҳам оилавий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш, жумладан, 2022 йилда республика бўйича 500 та оилавий меҳмон уйларни ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Дастурнинг 179-бандида Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва “Айдар-Арнасой” қўллар тизимида қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканларини барпо этиш, 300 млн АҚШ долларлик лойиҳаларни амалга ошириш, 25 минг иш ўринларини яратиш белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга оширишда аҳоли хонадонларида “оилавий меҳмон уйлари”ни йўлга қўйиш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишда хорижий тажрибани ўрганганд ҳолда кредитлар ва субсидия жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.



Дастурнинг 180-банди Самарқандни “Туризм дарвозаси”га айлантириш орқали келгуси беш йилда туризм хизматлари ҳажмини камида 10 баробарга ошириш, туризм соҳасида 40 минг киши бандлиги таъминлашга қартилган. Мазкур йўналишда белгиланган 600 дан ортиқ янги меҳмонхона ва оиласий меҳмон уйларини ташкил этиш, ётоқ ўринлар сонини 22 мингтага етказиша ҳам оиласий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратиша асосий драйвер соҳаси бўлиши мақсадида алоҳида дастур қабул қилишдан иборат 183-бандни амалга оширишда янги меҳмонхона ва оиласий меҳмон уйлари ташкил этиб, ўринлар сонини 8 мингтага етказиш чора-тадбирлари ҳам ушбу худудда оиласий тадбиркорликни янада ривожлантиришга замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 20.12.2021 йилдаги ПҚ-55-сон “Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбанини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. – <https://lex.uz/uz/docs/5785317>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорига илова – “Оиласий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом”. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Оиласий корхона томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”. 2012 йил 13 сентябрь, 269-сон. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”. 1992 йил 6 март, 103-сон. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳrir). “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Оиласий тадбиркорлик тўғрисида”. 2012 йил 26 апрель. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. – <https://uza.uz>

8. “Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир”. Ўзбекистон



Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. – <https://aza.uz>

9. Fletcher, D., Melin, L., Gimeno, A. (2012). Culture and values in family business – A review and suggestions for future research. *Journal of Family Business Strategy*, 3(3) doi: 10.1016/j.jfbs.2012.06.001.

10. Kidwell, R.E., Hoy, F., Ibarreche, S. (2012). “Ethnic” family business or just family business? Human resource practices in the ethnic family firm. *Journal of Family Business Strategy*, 3(1) doi: 10.1016/j.jfbs.2012.01.004.

11. Батычко В.Т.Предпринимательское право. Конспект лекций. Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2011./ Административно-управленческий портал. – <http://www.aup.ru>

12. Беркинов Б., Шакирова Г. Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари.<http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/9579-oilaviy-tadbirkorlikni-rivojlantirish-omillari>

13. Важенин, С.Г., Сухих, В.В. (2013). Семейный бизнес в России: обновление на доверии. Шумпетеровские чтения, 1.

14. Набиев О. Оиласий корхоналар: рўйхатдан ўтиш, солиқ солиш, ходимлар сони ва имтиёзлар. – [www.biznes-daily.uz](http://www.biznes-daily.uz). 12.05.2014.

15. <http://finance.uz/uz/top/cat/biznes/bank-kreditlari-oilaviy-tadbirkorlik-rivozhiga>

16. Семейному бизнесу – зеленый свет // Норма, №15 от 10 апреля 2012 г.

17. Хидирова Б. Маҳалла – оиласий тадбиркорлик маркази. - <http://soglim.uz/gazeta-sonlari/59-2012-52/770-mahalla-oilaviy-tadbirkorlik-markazi.html>

18. Sobirovna, Kosimova Dilorom, Akbarov Nodir Gafurovich, and Sobirov Abdurasul Abdugafarovich. "Forming A Management System Of Organizational Culture Of The Enterprise." NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO (2021): 4271-4278.м

19. Madrahimovich, Rasulov Nodirbek, and Ishmanova Dinora Nurmamat Qizi. "Actual Problems and Prospects of Development of National Innovative System in Uzbekistan." Восточно-европейский научный журнал 8.1 (2016): 136-139.

20. Muxtorova, Indira Yasharbek Qizi. "KORXONA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA TASHKILIY MADANIYATNI TO'G'RI SHAKILLANTIRISHNING AHAMIYATI." Academic research in educational sciences 2.9 (2021): 794-800.

21. Gafurov, Ubaydullo, and Zulfiya Xamidova. "Theoretical and methodological basis of the nature study and characteristics of craft work." Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar 5 (2019): 76-82.

22. Абдуллаева, М. (2021). Формирование патриотической культуры у военной молодежи в современных условиях на примере жизнедеятельности З.М. Бабура. in Library, 21(1), 1-14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/87>



Иқтисодиётни рақамлаштириш  
шароитида қулай ишбилиармонлик  
муҳитини ривожлантириш йўналишлари

**inScience**  
through time and space